



**ЭҲТИЁЖМАНД ТОИФАДАГИ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ
ХИЗМАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Толибов Бекзод Ҳакимович

Фарғона давлат университети, Ижтимоий иш кафедраси мудири,
Социология фанлари бўйича, фалсафа доктори PhD.

Аннотация: Мақолада аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мазкур фаолият юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича таҳлил қилинган. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий хизмат кўрсатиш масалаларини ўрганиш ва унинг ҳолатларини янада яхшилаш имкониятлари юзасидан турли фан намоёндалари томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда инновацион ёндашув асосида ривожланган хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаларидан фойдаланиш, ижтимоий хизматларни ташкилий механизмларини тизимли тартибга солиш ва такомиллаштириш, бу борада зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган социологик илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: ижтимоий хизмат, эҳтиёжманд, инновация, ногиронлиги бўлган шахс, тадқиқот, имтиёз, субсидия, ёрдам.

Annotation: The article presents a comprehensive analysis of the reforms carried out in our country in the provision of social services to socially vulnerable segments of the population, as well as the experience of foreign countries in this activity. Various scientists have conducted research on social services for disadvantaged segments of the population and the possibility of further improvement of their conditions. When improving the social service system, it is important to use the best practices of developed foreign countries on the basis of an innovative approach, systematically regulate and improve the organizational mechanisms of social services, conduct sociological research that contributes to the creation of the necessary opportunities in this regard.



Keywords: social service, the poor, innovation, disabled person, research, privilege, subsidy, assistance.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳоли қатлами ҳисобланган ногиронлиги бўлган инсонлар шахсларни таълимга жалб этиш ва манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Кейинги йилларда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди». [1] Ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда инновацион ёндашув асосида ривожланган хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаларидан фойдаланиш, ижтимоий хизматларни ташкилий механизмларини тизимли тартибга солиш ва такомиллаштириш, бу борада зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган социологик илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 мартағи ПФ-6195-сон «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 мартағи ПҚ-5038-сон «Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар



томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1-июлдаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам қўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли ислоҳотларни изчил амалга оширилишида ва янги босқичга оли чиқишида муайян даражада хизмат қиласди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий хизматлар қўрсатишда таълим жараёни муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги қонунининг ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтоҷ бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари деб номланган 24-моддасида, алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтоҷ бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади». [2] Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтиб ушбу қонун замон талабларига мослаштириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда янги таҳрирда «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. [3] Агар ижтимоий хизматлар нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, янги таҳрирдаги қонуннинг 20-моддаси инклузив таълим тушунчаси киритилиши, 56-моддасида эса ижтимоий реабилитацияга муҳтоҷ бўлган болаларни (шахсларни) ўқитиш ва тарбиялашга оид нормалар киритилган. 56-моддадаги нормалар олдинги қонундаги 24-моддани янада тўлдирганини кўриш мумкин. Бундан ташқари 1997 йилда қабул қилинган қонун жами бўлиб 34 та моддани ўз ичига олган бўлса, 2020 йилда қабул қилинган қонун 75 та моддадан иборат бўлган. Кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги қонунда қўшимча яна 41 та модда киритилган. Албатта, бу ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳадаги янгиланишлар ва ислоҳотлар натижасининг яққол намунаси деб таърифлаш мумкин.



Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатиш механизмлари ва тизим фаолиятини самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш муҳимдир. Айнан мана шундай илғор тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва мавжуд муаммолар ечимини топишда Америка, Европа ва Осиё давлатларини тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида Германия Федератив Республикасининг тажрибалари бир мунча юқори ҳисобланади. Германия Европа мамлакатлари ичидаги аҳоли ҳаётининг фаровонлиги бўйича етакчи давлатлардандир. Европа мамлакатлари гоҳида Германияни «Ижтимоий давлат» ёки ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ бўлган одамлар учун ҳимоя қалқони бўлган давлат ҳам деб аташади. Мамлакатдаги ижтимоий суғурта тизими амалда аҳолининг минимал даромадга эга бўлишини таъминлаб беролмаса-да, ижтимоий ёрдам тизими уларнинг даромад ёки ижтимоий суғурта фойда ҳисобидан яшай олмайдиган кишилар учун минимал стандартини кафолатлади. [4]

Германия XIX аср охирида О.Бисмарк даврида ижтимоий суғурта қилиш амалиётини жорий этган дастлабки давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда ишчилар сонининг ўсиб бориши натижасида ишчиларнинг сиёсий талабларга жавобан 1883 йилда биринчи тиббий суғурта сифатида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаниш тизими жорий қилинган. 1884 йилда ногиронлик ва қариллик суғуртаси, 1889 йилда ишсизлик суғуртаси, орадан бир аср ўтиб 1994-йилда ижтимоий суғурта тизимининг бешинчи даражаси сифатида узоқ муддатли ногиронликка қарши суғурта қилиш амалиёти ҳам жорий қилинган. [5]

Германияда аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий ёрдамлар муҳтоҷ қишиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун индивидуал ёндашув тамойилига кўра ташкил этилади, лекин уларга бериладиган нафақалар ягона стандарт асосида берилади. Ижтимоий ёрдамлар эса ўз кўринишига кўра стандарт ҳажмдаги нафақалар, муҳим тўловлар, бир марталик нафақалар ва уй-жой субсидияларидан иборат тўртта компонентни қамраб олган.



Германияда эҳтиёжманд аҳоли тоифаларига молиявий хизматлар кўрсатиш билан чекланмайдиган ижтимоий ёрдам тизими ислоқ қилинмоқда. Давлат ижтимоий ходимлар олдига ўз мижозларининг ижтимоий ёрдамга қарамлигига барҳам бериш, ишсизларни меҳнат бозорида юз бераётган жараёнларда қатнаштириш вазифасини қўймоқда. Ижтимоий таъминот соҳасини бошқариш; кексалар эҳтиёжларини таъминлаш, хайрия ёрдами тизимини ривожлантириш сингари давлатни ижтимоий ривожлантириш тамойиллари асосида ижтимоий хизматчилар олдига янгидан вазифалар қўйилмоқда. [6]

Германия меҳнат бозори узоқ муддатли инқирозни бошдан кечирад экан, ишсизлар тобора ижтимоий изоляция хавфига дуч келди. Кўп йиллар давомида меҳнат бозорида бўлмаган, одамлар нафақат оддий пуллик ишларни бажариш кўникмаларини йўқотиш, балки кўп ҳолларда уларнинг психологик ҳолатининг ёмонлашуви кузатилади. 1980-йиллар бошида келиб чиқсан ижтимоий ишчилар янги ижтимоий ҳаракатлар, «Ижтимоий корхона» доирасида демократик куч ва жамоавий ўз-ўзига ёрдам беришнинг янги тушунчаларини тарғиб қилди. Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини иш билан таъминлаш, ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий хизмати кўрсатиш туркумига киритилди ва бу ғоя кейинчалик бутун мамлакатда жорий қилинди. [7]

Фикримизча, ижтимоий хизматлар кўрсатишда Германия тажрибаси бошқа Европа мамлакатлари бир оз фарқ қиласи. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатишда субсидия бериш тажрибаси аҳамиятлидир. Иқтисодий, молиявий ёки ижтимоий жиҳатдан оғир вазиятга тушган одамлар учун ўзларини тиклаб олишлари ва ҳамма қатори фаровон ҳаётда яшашлари учун давлат томонидан уларга қарз қўринишида субсидия берилиб сўнгра бу қарзлар имтиёзли муддатларда ҳеч қандай фоизларсиз қайтариш амалиёти ижтимоий хизматлар самарадорлигини оширади. Германиядаги ижтимоий хизматлар кўрсатишдаги яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ижтимоий хизматлар обьекти бўлган ногиронлиги бор одамга ёки кексаларга бириктирилган ижтимоий хизматчилар имкони борича фақат шу одамга охиригача бирга бўлиш талабини қўйилишидир. Бунда ижтимоий хизмат кўрсатувчиларни тез-тез алмашиши ижтимоий



хизматлар объектини тикланишига тўсқинлик қиласи деган тушунча ва тамойил асосида ижтимоий хизматларни узоқ муддат давом эттирилади.

Францияда ижтимоий хизматлар давлат сиёсатининг кўплаб соҳалари га сингдирилган. Жумладан, соғлиқни сақлаш, она ва бола саломатлиги, уйга бориб ёрдам бериш хизматлари, ногиронлиги бор одамлар учун ижтимоий хизмат, ижтимоий хавфсизлик, ҳамширалар ва энагалар хизмати, ижтимоий ишчилар ва психологлар, мактаблар ва университетларда ижтимоий хизматлар, жиноятчилар учун ижтимоий хизматлар, маҳбуслар ва уларнинг оиласига ижтимоий хизматлар кўрсатишга ихтинослаштирилган муассасалар ва марказлар фаолият кўрсатади.

Францияда аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнида бир қанча вазирликлар интеграцион тартибда иш олиб боришидир. Масалан, ижтимоий таъминот чора-тадбирларини амалга оширишга доир вазифаларни «Ижтимоий муносабатлар ва ҳамжиҳатлик» вазирлиги (Ministère des Affaires Sociales et de la Solidarité Nationale) томонидан амалга оширилса, «Соғлиқни сақлаш, оила ва ногиронлар ишлари бўйича» вазирлиги (Ministère de la Santé, de la Famille et des Personnes Handicapées) мамлакатда соғлиқни сақлаш билан ишлари билан бирга имконияти чекланган ва ногиронлиги бор шахслар ижтимоий хизматлар ташкил қилиш жараёнини мувофиқлаштиради. Маҳаллий ва худудий даражасида эса ўзини-ўзи бошқарувчи органлар сифатида (Régions), (Départements) ва (Communes) муниципалитетлар кўринишидаги ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни ҳам келтириб ўтиш мумкин. [8]

Францияда умумий ижтимоий ёрдам дастури бўйича ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга чалингандар ва кекса одамлар, ногиронлиги бор шахслар (жисмоний ва руҳий), бошпанасиз фуқаролар, даромад ва ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар, ишсизлар, касбий қўнималари йўқ одамлар, гиёҳвандликка чалингандар, ҳукуқбузарлик ва зўравонлик қурбонлари бўлган одамларга ижтимоий хизматлар кўрсатилади. [9]



Ижтимоий хизматлар турига ижтимоий иш, уй ёрдами, бошпаналар ташкил этиш, ижтимоий муассасаларга жойлаштириш, реабилитация марказлариға жойлаштириш, уй-жой шароитлари ва майший муҳитни яхшилаш каби хизматлар киради.

Фикримизча, дастурнинг асосий вазифаси профилактик чоралар қўриш бўлса-да, фуқароларнинг ишончсизлигига олиб келадиган ижтимоий ва иқтисодий вазиятларни олдини олишдан қўра, қийин вазиятларни аниқлаш, ёрдам қўрсатиш ва аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш ташкил қиласи. Франция қонунчилиги бўйича аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳисобланган энг заиф фуқаролар учун ижтимоий хизматлар бенефициар ҳуқуқ тизимиға асосланади, аммо кўп ҳолларда ижтимоий хизматларни амалга оширганинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасида қолади. Ижтимоий хизматлар қўрсатиш борасида Франция қонунчилигига шуни қўриш мумкинки, ижтимоий хизматлар қўрсатишда иштирок этувчи муассасалар ишини мувофиқлаштиришда номарказлаштириш сиёсати устуворлигини қўриш мумкин.

Япониянинг ижтимоий таъминот тизимиға ижтимоий суғурта дастурлари ва кундалик ҳаётнинг кенг миқёсли хавф-хатарларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган ижтимоий хизматлар киради. Японияда ижтимоий ёрдам дастури «сўнгги чора» деб номланиб, қийин ҳаётий вазиятга тушган одамларга ижтимоий хизмат қўрсатиш вазифасини бажаради. Ушбу дастур стандарти қўра, «тўлиқ ва тўғри» турмуш тарзи учун одамлар ҳуқуқини давлат томонидан бирдек кафолатлаш муҳим ҳисобланади.

Японияда умр қўриш қўрсатгичлари бошқа мамлакатларга нисбатан бир мунча юқори бўлганлиги сабабли кексалар сонининг доимий ошиб бориши натижасида аҳолининг салмоқли қисмини кексалар ташкил қиласи. Кексаларга муносиб ғамхўрлик қўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашга доир давлат томонидан қўрилган чора тадбирлар натижасида пенсияга чиқиши ёши 65 ёш бўлишига қарамасдан кекса ёшдаги Япония фуқароларнинг 80% эҳтиёжманд аҳоли қисми деб ҳисобланмайди. Муҳтоҷ кексаларга ижтимоий хизматлар қўрсатиш масаласи эса мамлакатда доим долзарб ҳисобланади. [10]



Япониянинг ижтимоий таъминот дастурлари Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан бошқарилади. Ушбу вазирлик ижтимоий таъминот дастурларини режалаштириш ва уларнинг стратегик мақсадлари ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш учун масъулдир. Тартибга солиш объектлари меҳнат стандартлари, иш хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳисобланади.

Ижтимоий суғурта агентлиги Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги билан алоқадор бўлмаса-да, кичик ва ўрта корхоналар ходимлари учун тиббий суғурта хизматлари, касбий пенсия суғурта, асосий пенсиялар, шунингдек денгизчилар учун кенг қамровли суғурта дастури амалга оширади. Агентлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари бир-бири билан яқин алоқада ва бутун мамлакатни қамраб олган умумий тармоққа бирлашган ташкилотdir.

1990 йилда Япония аҳолисининг тез қариши натижасида мамлакат иқтисодиётида ортиқча концентрацияга дуч келганлиги сабабли аҳолининг ижтимоий таъминоти бир мунча қисқарган ва боқувчисини йўқотган оиласлар ва кексалардан иборат уй хўжаликлари учун бериладиган кўплаб имтиёзлар бекор қилган. Натижада, мамлакатдаги эҳтиёжманд аҳоли қатлами «фавқулодда вазият» номли ижтимоий хизмат дастуридан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги 2003 йил «Маслаҳат қўмитаси»ни шакллантирди. Ҳозирги вақтда Японияда Маслаҳат қўмитаси айнан аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишга доир фаолиятни ислоҳ қилиш ва ижтимоий хизматларнинг замонавий технологияларини амалиётга жорий қилиш масалалари билан шуғулланиб келмоқда. [11]

Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий ва тиббий хизматлар кўрсатишида ҳалқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳалқаро ташкилотининг мақсади бола ҳуқуқларини таъминлаш ва бутун дунёдаги болаларга ғамхўрлик қилиш ҳисобланади. YUNISEFнинг 190 дан ортиқ мамлакатлардаги ваколатхоналари қашшоқлик,



адолатсизлик, камситиш ва касаллик бепул шароитида барча болалар ва уларнинг фаровонлик учун муносиб шароитни таъминлаш борасида ҳамкорлик қиласи.

«Чегарасиз врачлар»(Médecins Sans Frontières) (МСФ) халқаро ташкилоти. МСФ 1971 йилда 22 декабрда Францияда ташкил этилган бўлиб, у бугунги кунда Европа ва Шимолий Американинг барча мамлакатлари пойтахтларида ўз ваколатхоналарига эга бўлган йирик халқаро тиббий-инсонпарварлик ноҳукумат халқаро ташкилотларидан бири ҳисобланади. [12]

Ушбу халқаро ташкилотнинг асосий вазифаси қуролли тўқнашувлар ва табиий оғатлардан азият чекканларга ва турли сабаблар билан тиббий ёрдам рад этилган шахсларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишdir.

МСФ Ўзбекистонда жойлашган ўз минтақавий ваколатхоналари орқали ОИТС ва Сил касаллиги билан касалланган bemorlarни даволаш, Орол денгизи минтақасида яшайдиган аҳоли турли тиббий хизматлар кўрсатиш соҳаларида дори-дармонлар ва асбоб-ускуналар тақдим этиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш билан боғлиқ бўлган инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

«Болаларни қутқаринг» (Save the Children) фонди 1919 йилда Буюк Британияда ташкил этилган. Бу фонд жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларида иш олиб бораётган етакчи халқаро болалар хайрия ташкилоти ҳисобланади. Фонднинг асосий вазифаларидан бири фавқулодда ҳолатларда болаларга инсонпарварлик ва тиббий ёрдам кўрсатади ва зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича иш олиб боради. [13]

Фонднинг Ўзбекистондаги фаолияти ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ногиронлиги бор болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан таълим бериш, меҳнатга лаёқатсизлик муаммоларини тадқиқ қилиш, ногиронлиги бор болаларнинг отаоналарини қўллаб-қувватлаш, грантлар ва асбоб-ускуналар тақдим этишга йўналтирилган.



Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, инсон эҳтиёжларини аниқлашдан шахс ҳуқуқларини замонавий тушунчаларига ўтиш, шахс томонидан замонавий инсоннинг реал эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлиб қолади. Асосий эҳтиёжлар ижобий қонун билан қондирилади, уни амалга ошириш давлат халқаро шартномалар тизими ва жамоат ташкилотлари ва хайрия тузилмаларининг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилиши лозим. Бундай ёндашув эҳтиёжманд аҳоли тоифаларинг ижтимоий ҳуқуқларини рӯёбга чиқариш эҳтиёжларни қондириш билан узвий боғлиқлигини англатади. Турли тизимларда ишлайдиган ижтимоий ишчилар эҳтиёжманд шахсларнинг ижтимоий хизматларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қиласи ва шу билан уларнинг яшаш учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. «Халқ сўзи», 2019 йил 1 сентябрь. № 180.
2. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни.
<https://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/94/3277/>
3. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида »ги қонуни.<https://lex.uz/docs/5013007>
4. Бородатая М. Социальная практика в Германии. Социальная работа.2005. № 4.- С.48.
5. Бородатая М. Социальная практика в Германии. Социальная работа.2005. № 4. – С.50.
6. Ганиева М. Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма - Тошкент, 2010 й. - 20 бет.
7. Международный опыт организации системы социальной помощи. На примере пяти стран. Москва, 2004. Международное бюро труда, 2004. – С.69-75.
8. Beland, Daniel & Hansen, Randall. Reforming the French welfare state: Solidarity, social exclusion and the three crises of citizenship. West European Politics. 2000. 23(1), - Pp.47-64.
9. Bode, I. A new agenda for european charity: Catholic welfare and organisational change in France and Germany. Voluntas: International Journal of Voluntary and Nonprofit Organizations, 2003.14(2), - P.205.



10. Хирои, Я. Социальное обеспечение Японии, стр. 1999. Iwanami Shoten. – P.80-97.
11. Международный опыт организации системы социальной помощи. На примере пяти стран. Москва, Международное бюро труда, 2004. – С.73.
12. Médecins Sans Frontières - <https://ru.msf.org/country/uzbekistan>
13. Save the Children - <https://www.savethechildren.net/search/node/Uzbekistan>